
ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ 2022 йилнинг 27 январь куни халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгашининг эллик учинчи сессияси бўлиб ўтди. МАСЪУЛЛАР ҲИСОБОТ БЕРДИ. Сессияни туман Кенгаши раиси Р. Жўраев очди ва олиб борди. Сессия кун тартибига бир қатор масъулларнинг ахборотлари ва ҳисоботлари киритилди. Тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича туман адлия бўлими бошлиғи Э. Ғофуров, ўтган 2021 йилда ҳуқуқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ва ташкилот раҳбарларининг фаолияти ва мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан халқ қабулхонаси туман бўлими мудирини З. Рўзиматовлар ахборот беришди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлардан келиб чиқиб, туманда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар юзасидан жиноят ишлари бўйича туман суди раиси Ф. Собиров, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди раиси Э. Исмоилов, туманлараро иқтисодий суд раиси М. Мирмақсудовлар ҳисобот берди. Туманда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Х. Аҳмаджонов ҳисоботи эшитилди. Сессияда масъулларнинг ахборот ва ҳисоботлари депутатлар томонидан муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, сессияда ташкилий масала кўрилди. Халқ депутатлари туман Кенгаши котибият мудирини М. Сулаймонова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод қилинди.

2022-01-28 09:23:54